

III. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 32031 тани ташкил қилиб, шундан 28208 таси ёки 88,1% фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7353 та (23,0%), саноат 6084 (19,0%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2502 та (7,8%) ва қурилиш 2356 та (7,4%) соҳаларига тўғри келади.


2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан фоизда</i>	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан фоизда</i>
Жами	32031	100,0	28208	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3511	11,0	3138	11,1
саноат	6084	19,0	5380	19,1
қурилиш	2356	7,4	2032	7,2
савдо	7353	23,0	6218	22,0
ташиш ва сақлаш	1091	3,4	972	3,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2502	7,8	2122	7,5
ахборот ва алоқа	509	1,6	401	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	538	1,6	510	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8087	25,2	7435	26,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,4% нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 23,9% хусусий корхоналар, 2,5% чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2% акциядорлик жамиятлари ва 73,4% бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари

(1 апрель ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)




2018 йил январь-мартда жами 2071 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1307 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (11,2%), Қибрай (9,5%), Ўртачирчиқ (6,3%), Тошкент (6,0%), Янгийўл (5,5%), Юқоричирчиқ (5,3%), Бўстонлик (5,0%), Бўка (3,8%), Чиноз (3,7%) ва Паркент (3,4%) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 12,6% савдо, 16,2% саноат ва 8,5% қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 420 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 111 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 26,4%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2018 йил 1 апрель ҳолатига 26,5 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 17,3 мингта, хусусий корхона – 6,8 мингта, оилавий корхона – 1,6 мингта, бошқа тижорат корхоналари – 0,8 мингтани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари
(1 апрель ҳолатига)**



2018 йилнинг январь–мартда жами 1,4 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1,3 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 10,6%), Қибрай (9,0%), Тошкент (6,5%) ва Ўртачирчиқ (6,2%) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 18,5% савдо, 23,7% саноат ва 15,2% қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 268та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 75 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 28,0%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 2018 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 631 тани ташкил этди.

2018 йил январь–март ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 41 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 11 та, Туркия Республикаси – 6 та, Россия Федерацияси – 8 та, Қозоғистон Республикаси – 7 та, Корея Республикаси – 2 та ва 7 та бошқа мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
(2018 йил 1 апрель ҳолатига)

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	631	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	57	9,0
Саноат	407	64,5
Қурилиш	13	2,1
Савдо	74	11,7
Ташиш ва сақлаш	13	2,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	11	1,7
Ахборот ва алоқа	1	0,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6	1,0
Бошқа фаолият турлари	49	7,7

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 631 та корхонанинг 407 таси (64,5%) – саноат, 74та (11,7%) – савдо, 57 таси (9,0%) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 13 (2,1%) – ташиш ва сақлаш, 11 (1,7%) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 13 (2,1%) – қурилиш соҳасига тўғри келади.

2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

